

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ СУДИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ**

_____ жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъати, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят суди раиси _____

_____ иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси _____

_____ иштирокида, жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2019 йил 19 февралдаги ҳукмига кўра,

_____ нисбатан чиқарилган ҳукм устидан жабрланувчи А.Фозилов ва унинг вакили И.Содиқов томонидан берилган шикоятига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2019 йил 19 февраль кунги ҳукмига кўра, С,Сга Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан 3 йил транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖК 117-моддасининг 2-қисми билан 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 59-моддаси тартибида, 3 йил транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жабрланувчига етказилган моддий ҳамда маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, С,С 2018 йил 8 декабрь куни соат 14 ларда О.Турсунбоевга тегишли бўлган ГАЗ-53 русумли, 30 С 346 РА давлат белгили автомашинани ҳеч қандай ҳужжатсиз, спиртли ичимликдан маст ҳолатда Ғаллаорол тумани, Оқтош ҚФЙ, Кўктол қишлоғи ички йўлида бошқариб бораётиб, “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 12.1-бандидаги транспорт воситаси мастлик ҳолатида, сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига

тахдид соладиган даражадаги чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида бошқариш мумкин эмаслиги ҳақидаги;

77.1-бандидаги ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариш кераклиги ҳақидаги;

77.1-2-бандидаги ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўришини ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан бошқариши керак, тезлик ҳайдовчига қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасини ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши кераклиги ҳақидаги талабларига амал қилмасдан, рўл бошқарувини йўқотиб, йўлда ўрнатилган сув қувурининг четки қисмидаги чуқурликка автомашина шинасининг тушиб чиқиши натижасида автомашина юқорига кўтарилиб тушиб, автомашина эшиги очилиб кетиб, автомашина салоида бўлган Ж.Фозилов ерга бош қисми билан йиқилиб, “оғир тан жароҳати” олиб, Ғаллаорол туман Тиббиёт бирлашмаси реанимация бўлимида вафот этишига сабабчи бўлиб, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузган.

Шунингдек, С,С йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиши натижасида Ж.Фозиловни ҳаётини хавф остида қолдириб, ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган Ж.Фозиловга ёрдам бериши шарт ва бундай имкониятга эга бўлсада, унга ёрдам кўрсатмасдан воқеа жойидан кетиб қолган.

Жабрланувчи А.Фозилов ва унинг вакили И.Содиқов шикоятда, дастлабки тергов ҳаракатлари бир томонлама олиб борилганлиги, С,Снинг ҳаракати нотўғри квалификация қилинганлиги, етказилган зарар миқдори аниқланмаганлиги ҳақида важлар келтириб, С,Снинг ҳаракатини ЖК 97-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиш ва шу модда билан жазо тайинлаш, унинг шерикларини жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни аниқлаб, уларни ундириб беришни сўрашган.

Судланувчи С,С эътирозномасида, шикоятга қўшилмаслигини баён қилган.

Судлов ҳайъати вилоят суди раиси ўринбосари Ў.Джумаевнинг маърузасини, прокурор Б.Муратов, ҳимоячи Э.Адувалиевларнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантиришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини, жабрланувчи А.Фозилов ва унинг вакили И.Содиқовнинг шикоятни қувватлаб берган фикрларини тинглаб, иш ҳужжатларини текшириб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантиришсиз қолдиришни лозим топди.

Судланувчи С,Снинг айби, унинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, жабрланувчи А.Фозилоv, гувоҳлар Н.Шукуров, Ш.Мардонов, К.Маматкаримов, М.Қаршиев, Д.Бекназаров, Б.Хамидов, М.Қаршиев, Ш.Бегимқулов, С.Кушмуродовларнинг кўрсатувлари, воқеа жойини, автомашинани кўздан кечириш баённомалари, чизмаси, фотосуратлари, суд-тиббий, суд-криминалистика экспертизалари хулосалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Биринчи инстанция суди томонидан С,Снинг содир этган жиноий ҳаракатлари ЖК 266-моддасининг 2-қисми, 117-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Биринчи инстанция суди С,Сга нисбатан жазо тайинлашда жиноятни мастлик ҳолатида содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб, шахси ижобий тавсифланганлигини, муқаддам судланмаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, Ёшлар Иттифоқи Самарқанд вилояти кенгаши томонидан Ж.Фозилоvга енгиллик бериш сўралганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жабрланувчининг даъвоси борлигини, унинг шахсини эътиборга олиб, айбланган моддалар санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, тўғри хулосага келган.

Апелляция инстанцияси судлов ҳайъати шикоятдаги, дастлабки тергов ҳаракатлари бир томонлама олиб борилганлиги, С,Снинг ҳаракати нотўғри квалификация қилинганлиги, етказилган зарар миқдори аниқланмаганлиги сабабли С,Снинг ҳаракатини ЖК 97-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиш ва шу модда билан жазо тайинлаш, унинг шерикларини жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни аниқлаб, уларни ундириб бериш ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, ушбу важларни асоссиз деб ҳисоблайди ва қуйидагиларга асосан рад қилинади.

Жумладан, жиноят ишида маҳрум Ж.Фозилоvга етказилган тан жароҳатлари қасддан, бир гуруҳ шахслар томонидан етказилганлигини тасдиқловчи бирон бир далил аниқланмаган бўлиб, иш бўйича ўтказилган суд-тиббий экспертизаси хулосасида Ж.Фозилоvнинг ўлимига қўш жароҳатлар, яъни бош мия ёпиқ жароҳати, калла гумбаз ва асос суякларининг синиши, бош мия пардалари остига ва устига мия тўқималарига кўламдор қон қуйилиши, бош мия тўқимасининг эзилиши ва сиқилиши, кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ жароҳати, икки томонлама қовурғаларининг синиши, жигар тўқимасининг ёрилиши оқибатида ички қон кетиши асорати сабаб бўлганлиги, юқорида кўрсатилган тан жароҳатлар, яъни қорин парда орти соҳалари ёпиқ жароҳат кўламдор қон қуйилиши билан бош бурун, иккала кўз қовоқ соҳалари лат яралари ва шу соҳа шилинма жароҳатлари бошининг пешона иккала кўз қовоқлари соҳасидаги қонталашлар қаттиқ ўтмас жисмлар билан етказилган ҳаракатда бўлган автомашинанинг кабинасида бўлган қисмларга урилиб,

кабинадан тушиб кетиб, ер сатҳидаги қаттиқ ўтмас жисмларга урилишидан олиниши инкор этилмаслиги ҳақида хулоса берилган.

Иш бўйича ўтказилган суд-криминалистика экспертизаси хулосасида Ж.Фозиловнинг эгнида бўлган кийимлари текширувдан ўтказилганида Ж.Фозиловнинг эгнида бўлган Немчани чап қўлтиқ остидаги тикиш чокидан сўтилиб йиртилган жароҳат тортилиш оқибатида етказилган бўлиши мумкинлиги, Жемперни олд соҳасидаги ва ўнг енг соҳасидаги, майкани олд ва ўнг енг соҳасидаги жароҳатлар чеккалари текис, жароҳат юзасига қараган иплар бир хил текисликда ўткир кесувчи жисм таъсирида касалхонада кийимларни ечиб олиш вақтида етказилганлиги, Жемперни ўнг қўлтиқ ости соҳасидаги, чап елка соҳасидаги, майкани ўнг елка ва чап елка соҳаларидаги тикишдан сўтилиб йиртилган жароҳатлар тўқима эскириши натижасида келиб чиққанлиги, майканинг орқа томонидаги жароҳатлар қаттиқ ўтмас жисмларга сидирилиши оқибатида етказилган бўлиши мумкинлиги, кўк рангли трикони орқа томонидаги жароҳатлар қаттиқ ўтмас жисмларга ишқаланиш, труси ва кўк рангли пайпоқдаги жароҳатлар тўқима эскириши оқибатида келиб чиққанлиги, қора рангли трико ва малла рангли бир жуфт пайпоқларда бирон бир жароҳат топилмаганлиги ҳақида хулоса берилган.

Судда сўроқ қилинган гувоҳлар ҳам Ж.Фозиловнинг ўлими автоҳалокат билан боғлиқлиги юзасидан кўрсатув берган бўлиб, Ж.Фозиловга қасдан тан жароҳатлари етказилганлигини тасдиқловчи бирон бир кўрсатувлар мавжуд эмас.

Жумладан, гувоҳ Қаршиев Махсуднинг, 2018 йил 08 декабрь куни соат 14 ларда қишлоққа яқин жойда қўй боқиб турган вақти GAZ-53 русумли автомашина катта тезликда юқори томондан пастга қараб тушиб келганлиги, сўнг автомашинанинг баланд шақирлаган овози эшитилганлиги, орада уйлар бўлганлиги сабабли автомашина нимага урилганлигини кўрмаганлиги, шу пайт у билан бирга қўй боқиб юрган вояга етмаган Д.Бекназаров қўйларини қайтариш учун автомашина томонга кетганлиги сабабли у олдига югуриб келиб, автомашина эшиги очилиб кетиб, ичидан бир одам тушиб қолганлигини айтганлиги, шунда автомашина олдида борганида автомашинага яқин жойда ерда бир кишини боши қон бўлиб ётганини кўрганлиги, у “бошим” деб айтганини эшитганлиги, унинг олдида унга нотаниш бўлган, кейинчалик билишича С,С у одамга қараб, “тоға ўрнингиздан турунг” деб айтганлиги, унинг ҳам боши қонаб турганлиги, шунда қонни кўриб кўрқиб қолиб, шу ерга яқин жойдаги ҳамқишлоғи Н.Норқўзиевнинг уйига бориб сув ичиб, Н.Норқўзиевга воқеа ҳақида айтиб, тез ёрдамга, қишлоқ оқсоқолларига телефон қилишни айтиб, воқеа жойига қайтиб келганида, С,Сни автомашинани ҳайдаб кетиб қолганини билганлиги, сўнг ҳамқишлоғи С.Маматкаримов ўзининг автомашинасида ерда ётган кишини шифохонага олиб кетганлиги, автомашина ўша ердаги йўл четидаги чуқурроқ жойга тушиб чиққанлиги, чунки ўша ерда автомашинанинг излари мавжудлиги,

шундан автомашина қаттиқ силкинган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

-вояга етмаган гувоҳ Д.Бекназаровнинг, 2018 йил 08 декабрь куни соат 14 да қишлоққа яқин жойда қўй боқиб турган вақти GAZ-53 русумли автомашина қишлоққа кириб келиш йўлидан катта тезликда келиб, йўлнинг чеккасига ўрнатилган катта сув идиши олдидан ўтаётганида автомашина эшиги очилиб кетиб, ичидан бир одам тушиб кетганлиги, сўнг дарҳол бу ҳақда у билан бирга қўй боқиб юрган Қаршиев Маҳсудга бориб айтганлиги, М.Қаршиев автомашина олдида кетганлиги, ўзи қўрқиб қолганлиги сабабли у ерга бормаганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

-гувоҳ Б.Хамидовнинг, 2018 йил 8 декабрь куни тахминан соат 14 да Б.Маматкаримовнинг ҳамқишлоғи А.Хатамовнинг уйига эҳтиёт қисмларини сотиб олиш учун борганида қишлоққа кириш жойидаги сув бочкасининг олдида GAZ-53 русумли автомашина турганини кўрганлиги, шунда уларни олдида унга нотаниш бўлган, кейинчалик билишича С,С маст ҳолатда, пешонасидан қон оқиб турган ҳолатда уларнинг олдида келиб, жўраси маст бўлиб, ерда ётиб қолганлигини, унга ёрдам беришни сўраб келганлиги, у айтган жойга борганларида, ерда юзини таниб бўлмас даражада бир кишини ётганлигини кўрганлиги, шунда С,С автомашинасини миниб кетиб қолганлиги, Б.Маматкаримов билан С,Снинг орқасидан қувиб борганларини, қишлоқ мактаби олдида ҳамқишлоғи М.Қаршиевни кўриб, GAZ-53 русумли автомашина қайси томонга кетганлигини сўраганлиги, сўнг унинг орқасидан борганида, С,С автомашинани тўхтатганлиги, унинг олдида бориб, автомашинани олиб қочиб кетмасин деб ундан автомашина калитини олиб қўйганлиги, сўнг воқеа жойига келган вақти у ерда одамлар тўпланиб турганлигини кўрганлиги, шунда шошиб турганлиги сабабли автомашина калитини ИИБ ходимларига бериб қўйиш учун ҳамқишлоғи А.Ўришевга бериб кетганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан, иш бўйича сўралган бошқа гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда жинойт ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ рад қилинади.

Бундан ташқари, судлов ҳайъати, шикоятдаги зарар миқдори аниқланмаганлиги сабабли зарар миқдорини аниқлаб, уларни ундириб бериш ҳақидаги вазлар билан келишмайди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жинойт натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори тўққизинчи бандининг бешинчи қисмида, жинойт процессида фуқаровий даъво қўзғатмаган шахс, шунингдек даъвоси кўрмасдан қолдирилган шахс уни фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида қўзғатиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган бўлиб, иш бўйича жабрланувчи ёки прокурор томонидан фуқаровий даъво қўзғатилмаган ҳамда иш бўйича етказилган зарар миқдори юзасидан бирон-бир маълумот тақдим қилинмаган.

Бундан ташқари, химоячи Э.Абдувалиевнинг музокара сўзида, ишни биринчи инстанция судида кўриш жараёнида судланувчи С,Снинг яқин қариндошлари томонидан жабрланувчи А.Фозиловга ёрдам бериш истагида мурожаат қилганда, жабрланувчи А.Фозилов марҳум ўғлининг мурдасини пулга сотмаслиги, ҳеч қандай ёрдам керак эмаслигини билдирганлиги, шундай бўлсада, судланувчи С,Снинг яқин қариндошлари томонидан зарарни қоплашга тайёрлигини баён қилди ҳамда апелляция инстанцияси судида сўралган жабрланувчи А.Фозилов унга қанча миқдорда зарар етказилганлиги ҳақида билмаслигини маълум қилди.

Юқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати, биринчи инстанция суди томонидан қайд этилган Пленум қарори талабларидан келиб чиқиб, жабрланувчига иш бўйича етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтириб, қонуний тўхтамга келган деб ҳисоблайди.

Баён этилганларга кўра, судлов ҳайъати суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантиришсиз қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 496, 497¹³, 497¹⁸ - моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2019 йил 19 февраль кунги [REDACTED] нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикояти қаноатлантиришсиз қолдирилсин.

Раислик қилувчи: **ИМЗО**

Ҳайъат судьялари: **ИМЗО**

ИМЗО

Аслига тўғри: [REDACTED]